

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

САНОАТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
21 июль куни Тошкент вилоятига ташир буюрди.

Тошкент вилояти юксак иқтисодий салоҳияти, улкан табиий ва инсоний ресурслари, ривожланган транспорт коммуникациялари билан мамлакатимиз тараққиётида етакчи ўрин тутди. Вилоятда кимё саноати, нефть-кимё, қора ва рангли металлургия, электротехника, машинасозлик ва металл қайта ишлаш каби замонавий саноат тармоқлари яхши ривожланган.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 13 апрелдаги Фармонида мувофиқ ташкил этилган "Ангрен" махсус индустриал зонаси бу борадаги салоҳиятдан тўла фойдаланиш, юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишда муҳим омил бўлди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 26 октябрдаги фармонида мувофиқ ушбу ҳудуд "Ангрен" эркин иқтисодий зонаси, деб аталди, имкониятлари ва имтиёзлари янада кенгайтирилди.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 20 сентябрь куни Ангрен шаҳрига ташир буюриб, ушбу зонада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик инвестиция лойиҳалари билан танишган эди.

Улардан бири Хитойнинг "Поли техноложиз" компанияси билан ҳамкорликда конвейер ленталари, қишлоқ ҳўжалиги техникаси ва автомобил шиналари ишлаб чиқариш лойиҳасидир. Лойиҳага кўра, йилга 100 минг погон метр конвейер лентаси, 200 мингта қишлоқ ҳўжалиги техникаси шинаси, 3 миллион донна автомобил шинаси ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Президентимиз Ангрен шаҳрига ташир буюриб, мазкур лойиҳа ижросининг бошичи билан танишди.

Конвейер лентаси ва шиналар саноати, қишлоқ ҳўжалиги, умуман, одамлар ҳаёти учун энг зарур маҳсулотлардан ҳисобланади. Улар ҳозирча хориждан олиб келинмоқда. Бу товарларни мамлакатимизда ишлаб чиқариш импорт ўрнини тўлдириш, валюта маблағларини тежаш, шу билан бирга, экспортдан фойда топиш имконини беради.

Бу завод мамлакатимиз иқтисодиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга, деди Президентимиз. Бу ерда жаҳон стандартларига мос, юқори сифат ва кенг номенклатурадаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Одамлар барқарор даромад манбаига эга бўлади, ҳаётдан рози бўлиб яшайди.

Заводда "Bars" бренди остида 21 хил ўлчамдаги автошиналар ишлаб чиқарилади ва "ЖМ Ўзбекистон" қўшма корхонасига етказиб берилади. Қишлоқ ҳўжалигида энг кўп прицеп шинаси ва тракторнинг олд шинасига эҳтиёж сезилади. Корхонада тайёрланадиган ушбу маҳсулотлар – 140 минг донна прицеп, 60 минг донна трактор шиналари деҳқон ва фермерлар ишига мадд бўлади. Конвейер лентасининг ҳам икки хили – резина матоли ва резина тросли турлари ишлаб чиқарилади. Ички бозорни таъминлашдан ташқари йилига қарийб 60 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари завод хом ашёсини маҳаллийлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Жисзах нефтини қайта ишлаш мажмуаси ишга тушгач, ушбу заводнинг 50 фоиз хом ашёсини етказиб беради. Шу билан бирга, хом ашёнинг муқобил манбаларини излаш, хусусан, юртимизда қучуқ олинадиган даракларни етиштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Завод ишга туширилгач, 1 минг 200 га яқин киши иш билан таъминланади. Ёшлар замонавий технологияларни эгаллаб, малякали кадр бўлиб шаклланади. Ҳозиргача 68 мутахассис Хитойда малака ошириб қайтди. Корхона учун мутахассислар аниқ, манзилли асосда тайёрланади.

Президентимиз "Поли техноложиз" компанияси билан ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, хусусан, имкониятларни янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни чўқурлаштириш бўйича "Ўқимёсанот" акциядорлик жамияти билан 10 йиллик стратегия ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда заводда қурилиш-монтаж

ишлари жадал давом этмоқда. Режага кўра, жорий йилнинг 1 сентябрь куни корхонада биринчи шина ишлаб чиқарилади ва халқаро стандарт олиш учун синонга тақдим этилади.

Шу ерда қурилиш материаллари, автомобилсозлик, электр техникаси ва нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш, "Ангрен" эркин иқтисодий зонасида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, Тошкент вилоятидаги бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги билан қизиқди, хом ашёси ва бозорини суриштирди. Корхоналарни ишга туширишда сифат ва муддатга алоҳида эътибор қаратиш, энергия сарфини камайтириш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Тошкент вилоятидаги бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари негизда 18 кичик саноат зонаси ташкил этиш режасига алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент вилоятининг эртанги куни бу – саноат, деди Шавкат Мирзиёев. Ушбу майдонларда кичик-кичик корхоналар ташкил этиб, уларнинг оёққа туриб олишига кўмаклашиш, қандай маҳсулот ишлаб чиқаришни бозор талабини ва импортни ўрганиш асосида белгилаш, кейинчалик уларнинг фаолиятини кенгайтириб бориш зарур. Бунинг натижасида минглаб иш ўринлари яратилади, молиялаштириш базаси ҳам кенгайди.

Президентимиз хорижлик инвесторлар билан суҳбатлашди.

Шу ерда "Ангрен" эркин иқтисодий зонасидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёев Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ўзбегим отлари" от заводи фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда йилкичилик ва от спортини ривожлантириш, унинг моддий-техник ва озуқа базасини мустаҳкамлаш, мазкур соҳа учун мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, хорижий давлатларнинг илгор тажрибаларини ўрганиш орқали наслдор, спорт ва хизмат отларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 15 июндаги "Ўзбекистон Республикасида йилкичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

"Ўзбегим отлари" от заводи 1992 йил ташкил этилган бўлиб, майдони 140 гектардан ортиқ. Завод қадимий от зотлари, жумладан, Ахалтақа тулпорларини парваришлаш ва кўпайтиришга ихтисослаштирилган. Бугунги кунда бу ерда 300 га яқин от парваришланмоқда.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Ахалтақа зотли отлар бундан беш минг йил муқаддам пайдо бўлган. У Осиё халқларининг ёзма манбаларида ҳам тулпорлари, аргумок, учқур айғирлар, дея таърифланган. Тошбитиклар, қояларда сақланиб қолган суратларнинг гувоҳли беришича, Ахалтақа аргумоклари қадимда ҳозирги Фарғона водийси, Хоразм вилояти ҳудудларида учраган. Бу отлар Туркменистонда кенг тарқалган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов совға қилган "Дўстхон" лақабли зотдор от тақдим этилди.

От заводида зотдор отларни кўпайтириш, соҳада наслчилик ишларини яхшилашга қаратилган истиқболли лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Паркентсой сувидан унумли фойдаланиш лойиҳаси билан танишди.

Ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Томчилатиб суғориш усулини кенг жорий қилиш, тоқзорлар орасига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экиш кераклиги қайд этилди.

Паркент шаҳрининг бош режаси ҳақида сўзлаб берилди. Бундан ташқари, Паркент-

нинг экологик тоза ҳудудларида дам олиш ва соғломлаштириш масканларини жойлаштириш бўйича тақлифлар билдирилди. Қурилаётган дам олиш зоналари энергия-тежамкор бинолардан иборат бўлади.

Президентимиз Паркентнинг энг сўлим жойида адиблар учун 50 уй қуриб бериш керак, деди. Улар ижод қилиши учун шароит яратиш зарур.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент вилоятининг асосий туристик йўналишлари намойиш этилди. Вилоят ҳудудида Чимён оромгоҳи, Чорвоқ сув омбори, Ихнож, Урунғач, Шовур, Бодак қўллари бор. Вилоятда 45 меҳмонхона, 4 туropolератор, 71 санаторий, 1 кўриқхона, 5 ўрмон ҳўжалиги мавжуд. Мазкур имкониятлардан унумли фойдаланиш бўйича режалар, 2017-2018 йилларда вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантиришнинг асосий кўрсаткич прогноз параметрлари тақдим қилинди. Чимён оромгоҳида хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун 500 ўринли замонавий меҳмонхона мажмуаси лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур ҳудудда замонавий осма йўл қуриш лойиҳасига ҳам эътибор қаратилди. Ўзунлиги 2 километр бўлган, 26 кабинадан иборат осма йўлни 10 ойда қуриш мўлжалланмоқда.

Президентимиз Бўстонлиқ тумани "ҳўжа-кент" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қуриладиган "Қўш-Чинор" меҳмонхона мажмуаси лойиҳасини кўздан кечирди. Мажмуадан 130 ўринли меҳмонхона, 60 ўринли ресторан, соғломлаштириш маркази ва хизмат кўрсатиш шахобчалари ўрин олган.

"Амирсой" тоғ-чанғи дам олиш маскани бош режаси лойиҳаси замонавий ечимлари ва кўлами билан ажралиб туради. Бунда йилнинг турли фаслларида сайёҳларга хизмат кўрсатадиган тизим яратилади.

Президентимиз Тошкент вилоятининг сайёҳлик салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Шундай шароит бўла туриб, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаяпмиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Тошкент вилоятининг сўлим гўшаларида тажриба сифатида меҳмон уйлари ташкил этиш бўйича тақлифлар тақдим қилинди. Бунда азалий урф-одатларимиз асосидаги тадбирларга сайёҳларни жалб этиш, уларга миллий таомлар тайёрлаш жараёнини намойиш этиш ва бошқа қизиқарли тадбирларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари лойиҳаси билан танишди. Вилоятда бу борадаги кенг кўламли ишларни янада жаллаллаштиришда Президентимизнинг 2017 йил 20 июлдаги "Тошкент вилоятининг маъмурий-ҳудудий тузилишини ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент вилояти ҳудудидан ўтувчи Тошкент – Сирдарё автомобиль йўли бўйида янги тураржойлар, ижтимоий соҳа объекtlари қурилиши мўлжалланган. Зангиота, Чиноз ва Янгийўл туманларини ҳудудидан ўтувчи йўл бўйида уй-жойлар қурилиши ва жойлашуви лойиҳаси тақдимоти ўтказилди. Тошкент вилояти туманлари ва шаҳарларида 5 ва 7 қаватли замонавий уй-жойлар қурилади.

Тошкент вилоятининг маъмурий маркази йўқ эди. Ҳозирги кунда Тўйтепа шаҳрини вилоятнинг маркази сифатида қайта қуриш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу борада хориждан архитекторлар тақлиф қилинган. Тўйтепа шаҳрининг бош режаси тақдимоти ҳам ўтказилди.

Президентимиз лойиҳа билан танишар экан, Тошкент – Тўйтепа йўли атрофида замонавий уй-жойлар қуриш, ижтимоий соҳа объекtlарини замон талаблари даражасида барпо этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Тошкент вилояти ҳокимлигида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди.

У.А.



ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ – МАЪРИФАТ

Вилоят ҳокимлиги, маънавият-тарғибот маркази ва "Нуроний" жамғармаси ҳамкорлигида барча туман ва шаҳарлар бўйлаб ўтказилаётган китоб байрамлари давом этмоқда.

Ўз болангни ўзинг асра

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамида ўзларини қизқитган адабиётлар билан танишиш имконига ҳам эга бўлдилар. "Жаҳолатга қарши – маърифат" тамойилига мувофиқ ташкиллаштирилаётган маърифий анжуманларда нуронийлар ҳам фаол иштирок этди.

Шу муносабат билан туман марказида жойлашган Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғига чинакам китобсеварлар йиғилди. Акция туфайли юзлаб китоблар хонадонларга кириб борди, минглаб кўнгиллар адабиётга ошуфта бўлди. Тумандаги мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари, маҳаллалар фаолла-

ри ва кенг жамоатчилик ноширлик соҳасидаги сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш баробарида ўзларини қизқитган адабиётлар билан танишиш имконига ҳам эга бўлдилар. "Жаҳолатга қарши – маърифат" тамойилига мувофиқ ташкиллаштирилаётган маърифий анжуманларда нуронийлар ҳам фаол иштирок этди.

Китоб – тафаккур қанотидир. Компьютер технологиялари ривожланиб, ҳаётимизга чуқур кириб бораётган бугунги даврда ҳам инсоннинг онги, тафаккурини чарх-лашда, маънавий олами-ни бойитиш, аҳоли ўртасида эзгуликни тарғиб этишда китобнинг ўрни бекиёс.

Мазкур эзгу ташаббус Бўстонлиқ туманининг

маданият ва истироҳат боғида ҳам давом этди. Анжуманда тумандаги зиёлилар, нуронийлар, иқтидорли талабалар, спортчилар, адабиёт турли диний оқимларга кириб қолган ҳамда бугунги кунда махсус ҳисобда турувчилар рўйхатидан чиқаришга тавсия этилган оилалар, уларнинг фарзандлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбир доирасида жаҳон ва ўзбек адабиётининг нодир намуналари билан бир қаторда ёш ижодкорлар қаламига мансуб китоблар ҳам намойиш этилди. Шоир ва ёзувчилар, санъаткорларнинг чиқишлари тадбирга байрамона руҳ бағишлади.

Бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа туман, шаҳарларида режа асосида давом этади.

У.А. мухбиримиз. Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

"Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирдан қўзланган мақсад – эрта турмуш ва туғуқларнинг олдини олишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари ҳамда никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳа-



«БИЗ ЭРТА ТУРМУШГА ҚАРШИМИЗ»

деб номланган тадбир Қибрай туманидаги
Ғофур Ғулом номли маҳаллада ўтказилди

миятини тушуниришдан

иборат.
Таъкидланганидек, эрта никоҳларнинг олдини олиш ва оилавий ажримлар биргина ёшларнинг ўзига боғлиқ эмас. Агар ота-она, маҳалла ва бевосита масалага масъул ташкилотлар ҳамжиҳатликда, бамаслаҳат иш олиб борса, ҳар қандай муаммонинг олдини олиш мумкин.

Мамлакатимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир оила мустаҳкам

пойдеворга эга бўлишига эришиш, жамиятда болаларнинг соғлом туғилишига шароит яратишга эътибор қаратилмоқда.

– Йигит-қизларнинг турмуш қуриш ёши оила мустаҳкамлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир, – дейди Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали мутахассиси Марвара Орифжонова. – Афсуски, айрим ота-оналар кўпинча фарзандининг келажақ тақдири, бахт-саодати ҳақида ўйламай, ҳали балоғат ёшида етмаган қизини уза-тиш ёки қариндошининг қизи беғона бўлмасин, деб ўғил уй-лантириш тараддудига

тушади. Бунинг оқибатида қизларни ўч олти, ҳатто ундан қаттиқ ёбора шоллари учраб туради. Аммо, бу кўп ҳолларда бўлғуси онанинг саломатлиги ва руҳиятига, қолаверса, ёш оиланинг мустаҳкамлиги, туғилажак фарзанднинг соғломлигига салбий таъсир кўрсатади.

Давра суҳбати иштирокчиларига хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, яратилган имтиёз ва шароитлар, қонунчилигимизда белгиланган нормалар ҳақида зарур маълумотлар берилди.

Ҳуришда МҲМИНОВА. Мансур ХИММАТОВ олган сурат.

ТОМОШАБИН БЎЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси биз, депутатларни руҳлантириб юборди.

□ Муносабат


Маърузада сиёсий партиялар, уларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари, Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар олдида долзарб вазифалар кўйилди. Хусусан, сиёсий партияларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари, партиялар қоидада ташкил этилган "Ёшлар қаноти"нинг фаолияти қониқарли эмаслиги таъкидланди, бир неча ўткир саволлар кўндаланг кўйилди.

Чет эллардаги ёшлар билан ишлаш ҳақида гапирадиган бўлсак, афсуски, Олий Мажлис палаталари ҳам, сиёсий партиялар ҳам бу масаланинг ақинига ҳам келгани йўқ. Ҳолбуки, хорижда юрган ёшлар ҳам ўзимизнинг фарзандларимиз, Ўзбе-

кистон фуқароси эканини барчамиз, авваламбор, депутатлар унутмаслиги керак, деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, бу борада шахсий тажриба асосида, яъни Германиянинг нуфузли университетидида магистратура босқинида тахсил олиш жараёнидаги кузатишларга, кечинмаларга асосланиб, хорижда юрган ёшларимизнинг кўпи яхши ниятда, яъни илм излаб, иш ўрганиб, малака ошираётганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Кувонарлиси, ёшлар халқимиз, миллий урф-одатлар, анъаналаримизга содиқ қолмоқда. Бунинг бир мисол — миллий байрамларимизни кенг нишонлашларида яққол кўришимиз мумкин. Бироқ, ана шу ёшлар-

римиз миллий либосларимизни ҳамда маданиятимизни акс эттирувчи кўрғазмалар матоларни топишда муаммоларга дуч келишмоқда. Шу сабабли биз, депутатлар Маданият, Ташқи ишлар вазирликлари, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" каби ташкилотларни бирлаштириб, шу каби масалаларнинг ечимини ижобий ҳал этишга кўмакдош бўлишимиз лозим. Шунингдек, айнан хорижий мамлакатларда юрган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш, лозим бўлса, уларга кўмак бериш мақсадида, вазирлик ва ташкилот вакиллари хориждаги ёшларимиз билан учрашувларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу



борада давлатимиз томонидан етарли шароитлар яратилган. Хусусан, Ўзбекистоннинг 46 тадан ортиқ мамлакатда элчихона ва консуллик идоралари мавжудлиги мазкур тадбирларни юқори даражада ташкил этиш имконини беради. Қолаверса, давлат ташкилоти мутасаддилари хизмат сафари билан дунёнинг турли мамлакатларида бўлишди. Айнан мазкур сафарлар жараёнида му-

тасаддилар элчихона ва консуллик идораларимизга ташриф буюришди. Шу сабабли ҳам, ёшларимиз билан учрашувларни айнан ўша пайтларга мўлжаллаш яхши самара беради.

Ўйлаймизки, чет элдаги фарзандларимиз билан мазкур турдаги учрашувлар уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлайди ва давлат идораларига бўлган ишончини янада оширади.

Ёшлар билан учрашувлар мамлакатимизга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ҳаракатлари олиб борилаётган бир даврда мазкур жараёнларнинг мазмун-моҳиятини тўғри етказишга хизмат қилади ва бу йигит-қизлардан соҳада тарғиботчи сифатида фойдаланишда муҳим асос бўлади.

Депутатлар бу жараёнда фаол иштирок этиши, ташаббускор бўлиши эса ўз сайловчилари билан чет элларда ҳам учрашув ташкил этиш ва ёшларга олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини бевосита етказиш имконини беради.

Бу билан муҳтарам Президентимизнинг фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондириш бўйича партиялар олдида кўйилган вазифалари бажарилади.

Элдор ТУЛЯКОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати.

ҚОҒОЗ КЎП,
ВАҚТ КАМ

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳаёtimизга шунчалик сингиб кетдики, бугунги кунда нафақат кундалик фаолиятимиз, балки ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожини ҳам уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зотан, бундай технологиялар ахборотлашган жамият негизини ташкил этиб, одамларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Мамлакатимизда соҳани янада тараққий эттиришга қаратилган бир қатор қарорларнинг қабул қилингани давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимликлар фаолиятида ҳам ўз самарасини бермоқда. Вилоят ҳокимлиги қошида Компьютерлаштириш маркази ташкил этилгани ҳам бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

□ АКТ ва биз

— Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида ягона корпоратив ва ички локал тармоқлари барпо этилиб, 2013 йилда "КБАТ" корпоратив бошқарувининг автоматлаштирилган тизими орқали ижро назорати, ҳужжат айланиш, "sms" хабарномалар жўнатиш, хатларни рўйхатга олиш дастури йўлга қўйилиб, қоғоз сарфи 86 фоизга қисқарди, — дейди виллоят Компьютерлаштириш маркази давлат унитар корхонаси раҳбари Саидакром Музаффаров.

Бундан ташқари, "Кадр 5" (Кадрлар базаси), "Юрида" (Қабул қилинган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар базаси), "Юрида орфо" (Матндаги хатоларни тўғрилайдиган) дастурлари татбиқ этилди. Шунингдек, виллоятда "Пахта", "Фалла", "Намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши мониторинги" ахборот тизимлари жорий этилган.

Бундан ташқари, юридик ва жисмоний шахслар учун интерактив хизматларни ўз ичига олган interaktiv.toshvil.uz веб-сайти ҳамда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши сессиясида кўриб чиқилган масалалар, баённома лойиҳалари, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами ҳамда Халқ депутатлари виллоят Кенгаши тўғрисидаги бир қанча маълумотлар киритилган kengash.toshvil.uz веб-сайти яратилди.

— Марказ томонидан

data.gov.uz республика порталида виллоят ҳокимлигининг 303 дан ортиқ маълумотлар тўплами мавжуд бўлиб, юкланган маълумотлар сони 75 мингдан ошди ҳамда порталдаги 76 та давлат органлари орасида 2-ўринни эгаллаб келмоқда, — дейди марказ бош мутахассиси Софья Юсупова. — Виллоят ҳокимлигининг data.toshvil.uz порталига 30 дан ортиқ бошқарма ва ташкилотларнинг 405 дан зиёд маълумотлари киритилган.

Виллоят ҳокимлигининг марказий аппарати ходимлари ишчи компьютерлари 100 фоиз ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун хизмат қилувчи "Active Directory" дастурига уланган.

Ақинда Ўзбекистон-Корея марказида (KOICA) виллоят ҳокимлиги ва "Электрон ҳуқуқат" тизимини ривожлантириш департаменти билан биргаликда "Лицензия" ахборот тизимлари комплексида ишлаш тизимига маълумотларни киритиш бориш ва янгилаш масалалари бўйича семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда, шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 1 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори доирасидаги ишлар ҳам муҳокама қилинди.

Хуррият МҲМИНОВА.

□ Интилиш

Олмалиқ шаҳридаги "Қўрпасой" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Зулфия Усмонова болалигидан чеварликка қизиқиб, бичиш-тиқиш сирларини кунт билан ўрганиб. Кейинчалик бу ҳунарини бошқаларга ҳам ўргатиш ниятида ўзининг бичиш-тиқишга йўналтирилган "Ситора" номи хусусий корхонасини ташкил этди.

Аҳиллик
самараси

— Маҳалламизда Зулфия Усмоновадек хусусий тадбиркорлар сафи йил сайин кенгаймоқда, — дейди "Қўрпасой" маҳалла фаоли Сайёра Тошматова. — Бу мамлакатимизда ўз бизнесини йўлга қўётган, янгидан ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларига яратиб берилаётган имтиёз ва шарт-шароитлар самарасидир. Албатта, бундай ютуқларда маҳалламиз фуқароларининг аҳил ва иноқликда ҳаёт кечириб, эзгу ишларни баҳамжихатликда амалга ошираётганлари катта роль ўйнамоқда.

Дарҳақиқат, аҳилликда ҳикмат кўп. Яқинда "Қўрпасой" маҳалла фуқаролар йиғини кўмагида замонавий технологиялар асосида сут маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган "Агро милк" номи корхона иш бошлади. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги ушбу тадбиркорлик субъектига фойдаланиш ва ташаббускор Раҳимжон Раҳмонов раҳбарлик қилади. Эндиликда унинг сайёра ҳаракати билан маҳалланинг иш билан банд бўлмаган ўн нафар йигит-қизи ишга қабул қилинади.

Ўз мухбиримиз.

Янгиликлар,
хабарлар,
таҳлилий-
танқидий
мақолалар
билан газе-
тамизнинг
интернетда-
ги манзили —
www.thtp.uz
орқали ҳам
таниши-
шингиз
мумкин.

□ Бунёдкорлик

ДЕПУТАТ ТАШАББУС КЎРСАТДИ

Халқ депутатлари Бўстонлик тумани кенгаши депутати Фатхулло Аҳмедовга бир гуруҳ фуқаролардан Бўстонлик тумани марказий шифохонасининг киравиришидаги йўл таъмирталаб аҳволда эканлиги бўйича мурожаат келиб тушди. Депутат дарров енг шимариб, ишга киришди. Дарҳақиқат, шифохона ҳудудига автомобилларнинг кириб-чиқишида қийинчилик туғилаётгани рост эди.

— Катта маблағ талаб қилинган учун ўз кучимиз билан асфальт қопламасини ётқишишга имкон топа олмадик, — дейди Бўстонлик тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Лазиз Шамшиев. — Тўрт йилдан бери шу масалани қандай ҳал қилишни билмай юргандик. Мана, нихоят муаммо ҳал бўляпти.

Ҳозирча шифохонанинг қиравериш қисмига 250 тонна асфальт қопламаси ётқизилди.

Депутатнинг ташаббусини туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар қўллаб-қувватлади.

Шунингдек, депутат Галвасой қишлоғида сув ювиб кетган кўприкни таъмирлашга ҳам бош-қош бўлмоқчи. Бу ишларда "Ўзинг ясаб ол" хусусий корхонаси ва тадбиркор Маломат Аҳмедова ҳам ҳоимийлик ёрдамида кўрсатишмоқда.

Феруза ТҲРАЕВА,
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат.

«БАХТ
ЯНГИ
УЙИ»НИНГ
ЖАМОЛИ

Бекобод туманида Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда сўзга чиққанлар маҳаллий аҳолига катта қулайликлар яратган мазкур иншоот Мустақиллигимизнинг 26 йиллик тўйига муносиб тўёна бўлганини таъкидладилар.

— 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ, нота-риал идоралар фао-

лиятини янада такомиллаштириш белгиланган, — дейди туман ФХДБ бўлими бошлиғи Наргиза Тошпўлатова. — Бир йил давомида туманимиз бўйича 1 минг 500 та никоҳ ва 3 мингта туғилиш ҳолати қайд этилди.

Кўркам биномизда мана шундай қувончли воқеаларни қайд этишни бошлаб юбордик.

Маросимда виллоят ҳокимининг ўринбосари Баҳодир Аҳмедов иштирок этди.

Даврон АХМAD
олган сурат.

Пайшанба — жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кунин

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳар ҳафтанинг пайшанба кунин ўтказилаётган профилактика тадбирлари ҳудудларда нафақат жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, балки маънавий муҳит барқарорлигини янада мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИКАМАТ БОР

Буни Чиноз туманида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Туманда жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кунин муносабати билан белгилаб олинган дастурий чора-тадбирлар режаси ўз ичига кенг қўламли вазифаларни қамраб олган. Энг муҳими, профилактика ишларини ҳафтанинг бир кунидигина эмас, ҳар кунини ўтказиб бориш, ҳудудларда осойишталик ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олишдек масъулиятли ишни ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига ташлаб қўймасдан, унга кенг жамоатчиликнинг ҳам жалб этилаётгани айтиш мумкин.

Туман ҳокимлиги, маҳаллий кенгаш депутатлари, хотин-қизлар кўмитаси, "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида "Тинчлик", "Бунёдкор", "Ёшлик", "Пахтабод", "Янгиобод", "Янги маҳалла", "Сарбозор", "Гулзоробод", "Йўлтушган" ва бошқа қатор маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли, ота-оналар ва ёшлар билан бўлиб ўтган учрашув, мулоқот ва тадбирларда асосий эътибор ҳудудларда содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар, уларни келтириб чиқараётган сабаблар батафсил муҳокама этилиб, келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди. Маҳалламизда 370 та

хонадон бор, — дейди Навоий номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зулфия Алмухамедова. — Туман ишчи гуруҳи вакиллари билан бирга ҳар бир хонадонда бўлдики, одамлар билан дилдан суҳбатлашдик, фуқароларимизнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, уларни қийнаётган муаммолар юзасидан амалий кўмак, йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилмоқда. Бундан ташқари, жазони ўтаб қайтган 4 нафар фуқаронини иш билан таъминлашда ёрдам кўрсатилди.

— Ҳудудимиздаги 531 та хонадонда 3 минг 370 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди "Сарбозор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муяссар Аҳмедова. — Ўтказилаётган профилактика тадбирлари доирасида биринчи

навбатда жиноят қилишга мойил бўлган, ичкилик-бозликка, гиёҳвандликка руҳу қўйган, тарбияси оғир фарзанди бор оилалар, фуқаролар билан суҳбатлар ўтказилмоқда. Уларга мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар, яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятлар ҳақида маълумотлар бериб борилаётди. Бунинг самараси ўлароқ, бугун бир қатор оилалар ўз бизнесини йўлга қўйиб, ёшлар иш билан таъминланмоқда. Маҳалла бўлганидан кейин қўтилмаган вазиятлар, турли муаммолар ҳам учраб туради. Шундан келиб чиққан ҳолда айтмоқчи, манки, жойларда одамларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, республикамизда қабул қили-

наётган қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кўпроқ очиб беришимиз керак. Бундан бун ҳам участка инспектори, маҳалла фаоллари ва жамоатчилик билан янада ҳам-жихатликда ишласак, ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар сони ҳам камайди.

Дарҳақиқат, маҳалла-ларда бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Маълумотларга кўра, ҳудудларда мунтазам олиб борилаётган тарғибот-тушунтириш ишлари натижасида жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча қисқарган.

Тадбирлар доирасида аҳолига миграция ва фуқароликни расмийлаштириш масалалари, паспорт қондаларига амал қилиш, бу йўналишда ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилишининг аянчили оқибатлари ҳақида ҳам тушунчалар бериб боришмоқда.

Юлдузхон
МУХИДДИНОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

2017 йилнинг 13 июлидан 20 июлига қадар виллоятимизда қидирувда юрган 21 нафар шахс ушланди. Илгари содир этилиб, очилмаган 11 та жиноят фш этилди. Шундан, 8 таси ўғрилик, 2 таси талончилик, 1 таси безорилик жиноятидир. Мазкур маълумот виллоят ички ишлар бошқармасида ўтказилган брифингда айтиб ўтилди.

РАҚАМ ОРТИДА
ИНСОН ТАҚДИРИ

— Ҳафта давомида 15 минг 508 та хонадон ўрганилди, — дейди виллоят ИИБ тергов бошқармаси бошлиғи ўринбосари Музаффар Рашидов. — Ҳуқуқбузарлик содир этган 21 минг 350 нафар шахсга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. Улардан 1 минг 50 нафари паспорт-виза қондаларини бузган, 21 нафар хонадон эгаси ноқонуний яшашга шароит яратиб берган, 180 нафар фуқаро жамоат ҳойида спиртли ичимлик истеъмол қилган, 150 нафари майда безорилик содир этган. Улардан 22 нафари жиноят ишлари бўйича суднинг қарори билан маъмурий қамоққа олинди.

Аҳоли ўртасида ўтказилган тарғибот ва ташвиқот ишлари доирасида содир этилган жиноятлар бўйича 281 марта муҳокама йиғилишлари ташкил қилинди. Уларда 97 мингдан ортиқ фуқаро қамраб олинди. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, шаҳар, туман ИИБ паспорт бўлиналари томонидан ҳафта давомида 2 минг 897 нафар фуқародан биометрик паспорт учун ҳужжатлар қабул қилинди, 2 минг

782 та биометрик паспорт тарқатилди.

Яна бир гап. Тошкент виллоятда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида, бир қатор ташкилий ва амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳафта давомида виллоят ҳудудида 28 та йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиб, 24 нафар шахс турли даражада тан жароҳатлари олган. Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан 5 минг 974 та йўл ҳаракати қондабузарлиги аниқланди. Булардан, қўпол қондабузарликлар 2 минг 438 тани, жумладан, транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш 157 тани, белгиланган тезликни ошириш қондабузарлиги 823 тани, чорраҳалар ва светофордан ўтиш қоидасини бузиш 19 тани, одам ташиш қоидасини бузиш 741 тани, телефондан фойдаланиш қоидасини бузиш 12 тани ва бошқа қондабузарликлар 654 тани ташкил этади.

Хуррият ТҲРСУНБЕОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Оҳангарон туманидаги Халқ қабулхонаси ҳам, аввало, аҳолининг юксак ишончига монанд равишда иш олиб боришга, таъбир жоиз бўлса, ҳудудда мамлакат раҳбарининг ўзига хос "қўзи" бўлишга интиляпти. Аҳолининг талаб ва истаклари, тушадиган муносабатлар салмоғига кўра, аниқ режа асосида жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар ҳам ана шу мақсадга қаратилган.

Сайёр қабулларнинг афзаллиги, халқнинг учун қулайлиги ҳақида ортиқча сўзбозлик қилишга ҳожат йўқ. Мухими, бундай тартибда одамларнинг кайфияти, ишчанлик салоҳиятига путур етмайди. Масалани жойида ҳал қилиш имконияти юқори бўлади. Эътиборли жиҳати, бундай мулоқотларда тегишли муассаса ва корхона вакиллари ҳам ҳозир бўлиши кун тартибидagi масалалар ижросига ижобий таъсир кўрсатишда.

Чунинчи, туманнинг олис, тоғли ҳудудларидан бири – "Чинор" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган навбатдаги сайёр қабулда ҳам ҳудуддаги барча корхона, ташкилот ва муассаса вакиллари иштирок этиб, аҳоли муносабатлари бўйича иш олиб бордилар.

Албатта, мулоқот давомида коммунал соҳа, ичимлик суви, тадбиркорлик соҳасини кенг ривожлантириш, турли сунъий тўсиқларга қарши курашиш ва бошқа

синча, уларда давлатга елка тутиш, улуг бунёдкорлик ишлари ҳисса қўлиши иштиёқи кучайиб бораётганини кўришимиз мумкин. Масалан, Серкакирилди

дию, дастурга киритилган бўлса, бундан фуқароларнинг хабари бори?

Айтилик, ҳудудда ичимлик суви билан боғлиқ муаммо бор. Аввало, сўлим

мирлаш ишлари ҳам маҳаллий дастурларга киритилган, қолаверса, аҳолининг ўзи ҳам бу борада камарбаст бўлишга шай. "Чинор" маҳалласида истиқомат қилувчи Мавлуда Саторованинг болалар учун боғча қурилишига доир муносабатлари ҳам муносабатлар томонидан алоҳида назоратга олинди.

Бинобарин, Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг моҳияти шундаки, Ўзбекистон ёшлари таълим ва тарбия бора-бора қулайликларга эга бўлиши зарур – болаларга мақбул шароитларда ўлғайиши учун барча имкониятларни яратиб бериш шарт. Фуқаронинг бу борадаги қўнқачлигини фақат олқишлаш лозим.

Умуман, мулоқотлар давомида, одамларнинг шахсий муаммо ва масалаларига доир муносабатлари ҳам муносабатлар иштирокида кўриб чиқилди. Ўрганишлар натижасида зарур таъсир, амалий ёрдам берилди. Алоҳида ўрганиш ва тайёргарлик талаб қиладиган баъзи масалалар эса Халқ қабулхонасининг назоратида олиниб, бу борада қилинажак ишлар режаси белгиланди.

Қўшуват РОМАНОВ,
туман Халқ қабулхонаси мудири.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ОДАМЛАР БИЛИБ АЙТАДИ

Айни пайтда мамлакатимиз бўйлаб давлат идоралари ва аҳоли ўртасидаги мулоқот маданиятини ошириш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Бу давлатимиз раҳбарининг "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган олижаноб ғояси ҳаётда ўз ифодасини топаётганидан далolatдир. Хусусан, фуқароларнинг ҳар қандай муносабати жойларда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари орқали қисқа муддатда, масаланинг туб моҳиятини чуқур баҳолаган ҳолда кўриб чиқилмоқда. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва халқ ўртасидаги мулоқотнинг янги, ҳали дунё сиёсатида қўлланилмаган ноёб тизими шаклланди.

бир қатор масалалар кўриб чиқилди, баъзилари тегишли тартибда назоратга олинди, яна баъзилари жойида ижобий ҳал қилинди. Бироқ, бу жараёнда кишини қувонтирадиган бир ҳолат бор: мамлакатимиз ҳаётда рўй бераётган жўшқин воқеалар таъсирида одамларимизнинг кайфияти, умумий ишларга дахлдорлик ҳисси, сиёсий маданияти мутлақо ўзгарган. Уларнинг мақсад-муд-дадорлиги қулоқ тутсангиз, шунанчи, шахсий манфаат ёки даромад илнжи билан яшамайётганликлари, ак-

қишлоғида яшовчи фуқаро Нурмаҳмат Матқосимов сайёр қабул вақтида шундай масалаларни ўртага қўйди: ҳудуддаги симёғочларни таъмирлаш; яроқсиз ахволга келиб қолган кўприкларни қайта созлаш, тиббий хизматни яхшилаш.

Ҳўш, бу муаммоларнинг ечими қандай бўлиши керак? Умуман, қўйилган масалалар бўйича маҳаллий муносабатлар бирон-бир чора-тадбир режаси ишлаб чиққанми? Қишлоқда олиб борилиши зарур бўлган таъмирлаш ва қурилиш ишлари маҳаллий дастурда акс этганими? Бор-


ва баҳаво бу тоғ ҳудудида, маълумки, кўлаб турнакўз бўлоқлар мавжуд. Уларнинг шифобахш сувининг таърифи аллақачон тилларда достон бўлган.

Албатта, тизимли равишда сув етказиб бериш ҳам йўлга қўйилди. Туман ҳокимлиги муносабатларининг маълумотига қараганда, ҳудудни тоза ичимлик суви билан тизимли равишда таъминлаш ишлари бўйича махсус дастур қабул қилинган ва унинг ижроси 2018 йилдан бошланиши кутилмоқда. Ҳудди, шунингдек, симёғоч, кўприкни таъ-

ФЕРМЕР ЭКСПОРТНИ КЎЗЛАЯПТИ

Чиноз туманидаги "Чиноз Мирфоиз барака" фермер хўжалиги асли пахта ва галлачиликка ихтисослашган. Лекин яратиб берилаётган имкониятлар туфайли бошқа соҳаларда ҳам юқори иқтисодий самарадорликка эришмоқда.

Қишлоқ мулкдорлари



Пахта ва галла етиштиришнинг ҳадисини олган, булар бўйича шартномавий мажбуриятларини муттасил ортиги билан бажариб келаётган фермер хўжалиги аъзолари бугун моҳир қорвдор ва паррандачи сифатида ҳам эл назарига тушибди.

– Президентимиз қишлоқ жойларда кўп тармоқли фермер хўжаликлари ривожлантиришга алоҳида эътибор қара-

тишимиз керак, деб таъкидламоқда. Ана шу гаплар бизга янги ташаббус ва лойиҳаларни амалга оширишда туртки бўлаётди, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Кенғой Куркузов. – Маслаҳатлашиб, қорвачиликни йўлга қўйдик, зотли қорамоллар сотиб олдик, сут, гўшт ўзимиздан чиқа бошлади. Эътиҳодан ортиқчасига ҳам тезда миқозлар топилиди. Шундан кейин паррандачилик фер-

масини ташкил этиш фикри туғилди. Бизнес лойиҳамизни амалга оширишда тижорат банкнинг туман филиали кўмак берди. Банк томонидан ажратилган имтиёзли кредитга саноат асосида фаолият юритадиган, автоматлаштирилган технология орқали бошқариладиган паррандачилик комплекси барпо этдик.

Энди фермер камтарлик қилиб айтмаган айрим фактларни келтириб ўтайлик. Ҳозир бу комплексда 10 минг бошдан ортиқ товуқ парваришланмоқда. Товуқни беҳиз "етти ҳазинанинг бири", дейишмас экан. 100-110 кунлик хўжалар тезда туҳумга кирди. Мухими, хўжаликнинг фаолияти кенгайиши натижасида қўшимча иш ўринлари яратилди. Хусусан, паррандачилик ҳисобидан яна 10 нафар маҳаллий ёш доимий иш билан таъминланди. Умуман, айти пайтда фермер хўжалигида 30 нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Ҳозир истеъмолчиларга ҳар кун иртарақча 7-8 минг дона туҳум етказиб берилаётди. Жамоа етиштирилаётган туҳумнинг бир қисmini қўшни Қозоғистон Республикасига экспорт қилиш бўйича шартнома имзолади.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Газетхон сим қокди

Тахририятимизга Қуйи Чирчиқ тумани Гул қишлоғида яшовчи пенсиядаги фахрий ўқитувчи Асадбек Абдусатторов кўнғироқ қилди.

Кўчамиз номи қаярга кетди?

Айтишларича, отахон яшайдиган "Мустақиллик" кўчасига яқинда "Оқтош", деб янгича ном беришибди. Нимага бундай ном берилганига ҳамма ҳайрон. Сабаби, бу ном билан кўча ўртасида бирон боғлиқлик йўқ. Ўқитувчининг ўғли яшайдиган "Ешлик" кўчаси эса "Мойбува", деб номланган. Ваҳоланки, бу ерда ҳам ҳеч қандай уйғунлик йўқ.

"Ном шу кўча ёки маҳалланинг юзи бўлади. Уни маҳаллий аҳоли фахр билан тилга олиши керак. Шу сабабли дуч келган номни қўйиш галати эмасми? Бўстонликдаги айрим кўчалар номи билан бизникилар алмашиб қолганини эътирдим. Бундай" ишларда "этиборли" бўлиш керак", – дейди отахон қўнқачлик билан.

Партиялар ҳаётидан

– 23 ёшли ўғлим Элдор Нишонбоев 1-гуруҳ ногирони, шу пайтгача ногиронлар аравачаси йўқлигидан қийналаётгандик, – дейди Зангиота туманидаги "Сирғали" маҳалласида яшовчи Малика Беккулова. – Очик мулоқотда қатнашдик, муаммо тез орада ҳал этиладиган бўлди.

ЭЗГУЛИК ЭЪТИЁЖИ

Халқ демократик партияси вилоят кенгаши томонидан Зангиота тумани "Ғишт-қўприк" маҳалласида "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" мавзусида очик мулоқот ташкил этишдан қутилган натижа ҳам шу эди. Мутасадди раҳбарлар иштирок этган бево-сита мулоқотда асосий эътибор, фуқароларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш, уларга ечим топишга қаратилди.

Маълумки, 2008 йилдан буён Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари қишлобда "Жамоатчилик қабулхоналари" фаолият кўрсатиб келаёпти. Шу кунга қадар, фуқаролардан келиб тушадиган муносабатлар асосан тегишлилиги бўйича масъул ташкилотларга депутатлик сўрови сифатида расмий тарзда юборилар ва кўтарилган масалаларнинг ижобий ҳал этилишига амалий ёрдам кўрсатилаётган эди. Бу галги очик мулоқотда эса халқ дарди ва ташвишларини, ўйлан-раётган масалаларни юзма-юз муҳокама қилиш ва унга ечим топишга ҳаракат қилинди.

Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкин, шу йилда 19 та жамоатчилик қабулхонасига фуқаролардан жами 525 та муносабат келиб

тушган. Уларнинг аксари янги белгиланган муддатларда ижобий ҳал этилди. Қолган муносабатлар юзасидан қўшимча ўрганиш олиб боришмоқда. Аҳолининг ҳар бир саволига атофлича жавоб қайтарилиши, муаммоларга ечим топилиши эса мамлакатимизда "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун", деган инсонпарварлик ва халқчилик тамойилларига йўғрилган олижаноб ғоянинг амалдаги исботи бўлди.

Фуқаролар томонидан илгари сурилган масалалар, кўтарилаётган муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари чуқур таҳлил қилиниб, атофлича ўрганилди. Очик мулоқотлар мубайноқ коммунал хизматлар, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, бандлик, электр энергия узилишлари, фуқароликка олиш, ички йўлларнинг таъмирталабчилиги, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш каби масалалар юзасидан 50 дан ортиқ муносабат тушди. Кўтарилган муаммо ва масалаларнинг асосий қисми шу ерда ижобий ҳал қилинди. Қўшимча вақт ва ўрганишни талаб қиладиганлари тўла назоратга олинди.

Шералӣ ҚУТЛИМУРАТОВ,
ХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

Мутахассисларнинг фикрича, йиғит-қизларнинг турмуш қуриш ёши оила мустаҳкамчилигига таъсир кўрсатувчи бош омиллардан биридир. Афсуски, айрим ота-оналар кўпича фарзандининг келажақ тақдир, бахт-саодати ҳақида ўйламай, ҳали балоғат ёшига етмаган қизини узатиш ёки қариндош-шимнинг қизи бегона бўлмасин, деб ўғил уйлантириш тараддудига тушади. Бунинг оқибатида қизларни эрта узатиб юбориш ҳоллари учраб туради. Бу эса бўлғуси онанинг саломатлиги ва руҳиятига, қолаверса, ёш оиланинг жинслигига, туғилмаж фарзанднинг соғломлигига салбий таъсир кўрсатади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими қошида ташкил этилган "Оила дорилфунуни" машғулоти раис оила шакллантириш, жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу машғулотларда шифокорлар, ҳуқуқшунослар, хотин-қизлар кўниталари фаоллари, Ўзбекистон ёшлар итти-фоқи вакиллари ёшларга никоҳга тегишли қўғиқдан ўтишни аҳолининг, қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг салбий оқибатлари ҳамда соғлом турмуш тарзи бўйича зарур маълумотлар бермоқдалар.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг бахтли бўлишини истайдик, албатта. Лекин қизимни тезроқ турмушга берсам, хотир-жам бўлардим, деган нотўғри қараш билан фақат ўз ҳаловатини ўйлайдиган, фарзандининг ўқиниш давом эттириши ёки эгаллаган касби бўйича иш-лашига тўқинилик қиладиган ота-оналар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Мана шундай ота-оналарга тушунтириш мақсадида маҳаллаларда мутахассислар иш-

Оила – жамиятнинг кичик, аммо муҳим бўлаги. Биттагина оила бузилди, жамият пойдеворида кичик бир дарз пайдо бўлди, деяверинг. Шу боис, мамлакатимизда оила мустаҳкамчилигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мамлакатимизда оила институтини янада ривожлантириш, аниқсика, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Оилаларнинг ишончли пойдеворга эга бўлиши, жамиятда ҳар бир гўдакнинг соғлом туғилиши ва фаровон ҳаёт кечирини тўла қафолатлайдиган зарур шарт-шароитлар яратишга юксак эътибор қаратилмоқда.

ҚАЙНОНА ЁМОН БЎЛСА... сен яхши бўл

тироқда мунтазам давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда. Туманимизда оила мустаҳкамчилигига эришиш, соғлом турмуш тарзини омаллаштириш, тиббий маданиятни ошириш ва ёшларнинг никоҳга оид тушунчаларини кенгайтириш, қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳларнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётди. Бироқ ушбу савий-ҳаракатларга қарамай, репродуктив саломатлик талабларига эид равишда қизларни барвақт турмушга узатиш, шунингдек, турли сабаблар билан оилалар бузилиб кетиши ҳоллари кузатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев яқинда бўлиб ўтган "Қамолот" ЁИХ қурултойида сўзлаган нутқида бу орғиқчи масалалар алоҳида тўхталиб, ёш оилаларнинг бузилиб кетиши ҳоллари қўлайлигини қўйиб таъкидлади.

Дарҳақиқат, бу фоят аянчли ҳолат. Бизнинг туманда ҳам жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида турли сабабларга кўра 67 та ажрим бўлган. Энг ачинарлиси, келинларни хорижа

ишга юбориш авж олган. Улар ишдан қайтиб келганларидан сўнг, баъзида хатто келмай туриб ҳам оиласи билан ажралишмоқда. Бунда гоҳ келин ташаббускор бўлса, баъзан эр шундай қарорга келаяпти. Натижада, жамиятимизда ота-онаси тирик етилган кўпайиши кузатилапти. Руҳан эзилган фарзандлар ўлғайишмоқда...

Баъзи ота-оналарнинг ўз фарзандлари тақдирига муносабати кишини уйлантиради. Улар кўпроқ маблағ топилишида хатто турмуш қурмаган қизларини ҳам хорижа ишга юборишга ҳаракат қилмоқдалар. Чет элда ишлаб келган қизларга ким, нима ҳаёлларда уйланади. Буни ўйлашмаяпти.

Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан тиббиёт бирлашмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда "Оила муқаддасдир", "Ажрашиш – бу замонимиз иллати", "Инсон ва оила манфаати – жамият фаровонлиги" каби мавзуларда давра суҳбатлари ва учрашулар ўтказилмоқда.

Қулайлик

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларида давлат хизматлари кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан, "Ягона дарча" марказлари ҳокимликлардан адлия органлари тасарруфига ўтказилди. Шунга кўра, 2017-2020 йилларда "Ягона дарча" тамойили асосида кўрсатиладиган 16 турдаги давлат хизматлари босқичма-босқич кўпайтирилиб, 86 тага етказилади, 34 таси шу йилнинг ўзида жорий этилади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишнинг мутлақо янги тартиби ўрнатилди. Юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишда эски услубдаги устав нусхаси, банк, маҳаллий ҳокимият қарори, муҳр ва штамп, уларнинг нусхалари каби олти турдаги ҳужжатлар ўрнига таъсис ҳужжатлари ва ариза берилмоқда. Ҳозиргача яқна тартибдаги тадбиркорликни ташкил этиш учун икки иш ўрни ва 7 турдаги ҳужжат талаб қилинган бўлса, энди фақат ариза билан 30 дақиқа ичида тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиш мумкин. Яна бир афзаллик шуки, яқна тартибдаги тадбиркорлар интернет тармоғи орқали рўйхатдан ўтганда тўланадиган давлат божлари энг кам иш ҳақининг бир баробари ўрнига ярим баробари миқдорда белгиланди. Бу қулайликлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ва ишбилармонларнинг кўпайишида муҳим аҳамият касб этди.

Юқоридаги қарорга асосан, яқна тартибдаги тадбиркорлар фаолиятларини вақтинчалик тўхтатиб туриш ёки қайта тиклаш тўғрисидаги аризани автоматлаштирилган тизим орқали топширишлари мумкин бўлди. Шунингдек, қайта ташкил этиш тўғрисидаги ахборотни босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тўғрисидаги талаб бекор қилинди. Бу ҳам тадбиркорларнинг ортиқча овора бўлмаслиги ва маблағини тежашга ёрдам беради.

"Ягона дарча" марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини тартибга солишда муайян меъёрий ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлмоқда. Тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тизимига тайёр ҳолда улаш учун Вазиirlар Маҳкамасининг 2015 йил 2 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларидан фойдаланишга тайёр ҳолда улаш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2015 йил 30 октябрдаги "Сув таъминоти ва каналлаштириш ташкилотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, қарорлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси

Янги тартиб – янги имкониятлар

хизматларини кўрсатиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи шундай меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Кўчма савдога ташқи реклама-ларни жойлаштиришга рухсат бериш ва ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланишда бузилган ерлар қайта тикланганини тасдиқлаш ҳулосасини бериш хизматлари тўғрисидаги "Ягона дарча" марказлари тўғрисидаги "Ягона дарча" тамойили асосида кўрсатиладиган 16 турдаги давлат хизматлари босқичма-босқич кўпайтирилиб, 86 тага етказилади, 34 таси шу йилнинг ўзида жорий этилади.

Махсус сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолига рухсат бериш тартиби, юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш, бино ва иншоотларга (шу жумладан, ер ости иншоотларига) бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда бино, иншоот ва ер участкаларига бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш хизматлари учун Вазиirlар Маҳкамасининг ушбу соҳаларга оид қарорлари билан тасдиқланган низомлар дастуриламал бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, туманимизда ҳамкор ташкилотларни жалб этган ҳолда "Ягона дарча" маркази фаолияти янада кенгайтирилаётгани кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик тараққиётига хизмат қилмоқда.

Қамолдин АСҚАРОВ,
Бўша тумани тадбиркорлик субъектлари тўғрисида "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш маркази директори вазифасини бажарувчи.

Реклама ва эълонлар

"Шарқий-Ўзбекистон геологик тасвираш-излаш экспедицияси" Давлат корхонаси балансидаги Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Геологлар кўрғони манзилида жойлашган 1 қаватли камерал-маъмурий бинони тўлиқ реконструкция қилиш бўйича икки босқичда танлов эълон қилади.

Танлов бўйича тижорат тақлифлари 2017 йил 5 августга қадар "Шарқий-Ўзбекистон геологик тасвираш-излаш экспедицияси" Давлат корхонасининг Зангиота тумани, Эшон-гузар кўрғони, Охунбоев кўчаси, Автохўжалик биноси манзилида қабул қилинади.

Маълумот учун тел.:

(0370) 975-27-69.

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ "Poytaxt" филиали: "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2017 йил 7 июндаги 46-сонда хабарномаси чоп этилган, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ "Poytaxt" филиалининг аукцион савдоларига чиқарилган, Тошкент вилояти, Қўйраб тумани, Дўрмон фуқаролар йиғини, О. Ғози-хонев 2-тор кўчаси, умумий ер май-дони 0,069 гектар, фойдаланиш май-дони 540,32 кв.м. бўлган 2 қаватли дўкон биноси аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

Асос: "ЎзМиллийбанк" Тошкент вилояти бўлимининг 2017 йил 17 июлдаги АА-11/4560-сонли хати.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. Тел.: 233-54-96.

Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллигига

Хоразмда ўзбек мусиқа санъати ривожига улкан ҳисса қўшган беназир санъаткор, Ватан, дўстлик, меҳр-оқибат ва муҳаббат куйчиси, Ўзбекистон халқ артисти, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди.



«Ҳиласанг ўз бахтининг, эл бахти бирлан ёр эт...»

Хофиз қабрини зиёрат қилишдан бошланган тадбирнинг бадиий қисми Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма театрида бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг байрам қатнашчиларига йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди. Унда миллий маданиятимиз ва санъатимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк санъаткор туғилган кун маданий ҳаётимиздаги улкан воқеа сифатида эътироф этилди.

Дарҳақиқат, Комилжон Отаниёзов ҳам хофиз, ҳам созанда, ҳам бастакор сифатида бетакорро ижодий мактаб яратиб, ўзбек мусиқа санъатини янги босқичга олиб чиқди. Унинг қўшиқлари юртдошларимиз қалбидан чуқур жой эгаллаб, халқ ижод намуналарига айланиб кетгани ҳам бу санъаткорнинг буюклигидан далolat беради.

Шундай санъаткорлар бўлдики, халқнинг маънавияти, бойлиги ва борлигини ўз ичидида акс эттиради. Комилжон Отаниёзов ана шундай сифатга эга бўлган санъаткор эди.

Худди шу маънода, Президентимиз ўтган йилнинг ноябрь ойида Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашувда халқимизнинг ардоқли санъаткори Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш, машҳур хофиз номи билан аталадиган гўзал бог ва ижод маркази ташкил этиш тақдирини билдирган эди.

Ўтган вақт мобайнида улуг санъаткор туғилган Шовот туманида хофиз номидаги маданият ва истироҳат боғи реконструкция қилиниб, ҳар томонлама обод масканга айлантирилди. Урганчада унинг хотираси билан аталган бог ва ижод маркази, уй-музейи ташкил этилди. Хофиз сиймоси акс эттирилган ёдгорлик ўрнатилди.

Дилтотар қўшиқнинг яратилиши санъаткор иктидорига боғлиқ. Сўз, соз ва овоз уйғунлиги хофиз диди, савияси билан белгиланади. Бу учлик мумтоз адабий меросимиздаги гул, бул-

бул ва кўнгил тимсолининг узвий алоқдорлигини эслатади. Уларнинг ўзаро уйғунлигидан жило топан қўшиқ тингловчи кўнглига йўл олади. Комилжон Отаниёзов фақатгина ўз сўзи ва овози билангина эмас, балки гўзал инсоний фазилатлари билан ҳам барчага ўрнак ва намуна бўла олади. Унинг санъатига фидойилиги, тўғриси ва самимийлиги, одамларга меҳрибонлиги ханузгача тилларда дoston бўлиб келаётгани бежиз эмас.

Комилжон Отаниёзовнинг қўшиқларини шунчаки тинглаш қийин. Қандай руҳда бўлмасин, ўзига хос "юк"ни, дардини ташийди. Хофиз сўзини чертиб-чертиб, унинг маъно кудратини сўзи ҳамда овозининг бекиёс имкониятлари орқали еткази олади. Унинг нолаларида санъатсевар халқига муҳаббат уфуриб туради.

Санъаткордаги бу фазилатлар унинг оиласида шаклланган. Хофизнинг отаси Отаниёз Охунд "Нисзий" тахаллуси билан шеърлар битган. Нисзий ижодиёти ниятда кенг камровли бўлиб, у шоирликдан ташқари, тархмон, тарихчи, бастакор, моҳир хаттот ҳам эди.

Унинг хонадонига сўз ҳамда соз санъатининг усталари тез-тез ташриф буюриб туришган. Улар орасида бўладиган адабий-мусиқий гурунлар ёш Комилжон учун сабоқ ва ибрат мактаби эди. Матпано ота Худойберганов, Мадрахун Шерозий, Матқуб Харрот, Хожикон Болтаев, Маткарим Хофиз, Бола бахши (Қурбонназар Абдуллаев)ларнинг суҳбатларидан ёш Комилжон кўп баҳраманд бўлган. Санъат ва санъаткорнинг ўрни, вазифаси ҳақидаги илк тасаввурлари ўшандаёқ шакллана бошлаган. Нисзий хонадонига ўтказиб туриладиган адабий гурунлар, хофизхонлик, бедилхонлик, навоийхонлик ҳамда фазалхонлик кечалари бўлгуси санъаткорнинг мурғак қалбига нафосатга, санъатга бўлган меҳр учкунларини алангалатган бўлса, ажаб эмас.

Буюк хофиз санъаткор

билимли, ориф бўлиши лозим деб ҳисоблаган. Шогирдларига ҳақиқий санъаткор қўшиқнинг мазмун, руҳи, оҳангини тушунмасдан ижро этмаслиги лозим, дея уқтирган. Унинг наздида сўзи ҳиссиз ўқиш бамисоли тузсиз, бенамак тайёрланган таомни ейиш ва уни ўзига раво кўрмак билан барбар эди.

Замондошларининг гувоҳлик беришича Комилжон Отаниёзов мумтоз шеърининг мазмун-маъналарининг фазалларини куйлашга чоғланган экан, уни вазнга солиб, баланд овоз билан такрор ва такрор ўқир, сўнгра лугат олиб, фазал мазмунни, нотаниш сўз ҳамда ибораларнинг маъносини билишга киришарди. Бу босқичдан ўтгандан сўнггина санъаткорга қўшиқнинг мазмунини ҳам, руҳи ҳам аён бўлиб қоларди.

Устоз санъаткорга хос бўлган олижаноб хислатлардан ана бири ҳар бир қўшиқни қайси даврада қандай айтишни яхши билгани ва шунга тўла амал қилганидир. Шогирдларидан ҳам ўта масъулиятли бўлишни ва фазал мазмунини изоҳлаб, сўзлаб беришни талаб этарди. Уларнинг фазал ҳақидаги тушуниқсидан воқиф бўлганидан сўнггина куйи устида ишлашга розилик берган, дейишарди.

Комилжон Отаниёзов қўшиқчилигимиз, мақом тарихидаги барқарор аъёна, синашга тажрибаларга қатъий амал қилди, сунди.

Мамлакатимизда буюк хофизнинг сўнас хотирасини шарафлаб, унинг ҳаёт ва ижод йўли, ибратли фазилатларини тараннум этишга бағишланган турли маданий-маърифий тадбирларнинг ўтказилаётгани шунинг алоқадорлиги, токи дунёда санъат деган буюк мўъжиза бор экан, ер юзиде ўзбек деган халқ яшар экан, Комилжон Отаниёзов номи ҳам барҳаёт, у ўзининг умрбоқий қўшиқлари билан абадий яшайди.

Раҳимбой
ЖУМАНИЕВ,
филология
фанлари номзоди.

Узоқ Доҳадан тўғридан тўғри телетрансляция қилинган беллашувларни диққат билан томоша қилган Муроджоннинг қалбидеги боксга бўлган оддий ҳавас ҳақиқий мақсадга айланди. Айниқса, ўша тарихий мусобақада Элшод Расулов юртимиз шаъни учун шердай жанг қилгани Муроджонни ҳайратга солди. У китобларда ўқиган ватанпарвар ва мард йигитнинг сиймоси ўзи муҳлислик қилувчи боксчи тисолида гавдаланди, гўё...

– Ая, мен ҳам зўр боксчи бўламан, Элшод акамга ўхшаб баланд шохсупага кўтариламан. Ғалабаларим билан сизларни хурсанд қиламан. Ҳали мен билан фахрланасиз, – деди Муроджон болаларча беғуборлик билан. Шу-шу кўча чангитиб юрган болакай бокс машғулотларига қатнай бошлади. Кучли боксчи бўлиш истаги Муроджон Аҳмадалиевни чемпионлар маскани – Чирчиқ олимпия заҳиралари қоллежига етаклади. Бу ерда у Рустам Саидов ва Тўлқин Қиличев каби тажрибали мураббийлардан бокснинг сир-асрорларини пухта ўрганди.

– Коллеждаги таълим дунёқарашимни ўзгартди, – дейди Муроджон. – Устозларим зўр спортчига айланишдан олдин, яхши инсон бўлиш кераклигини ўргатишди. Тўғриси, болалигимда шўх, тўполончи эдим. Кўчада ва мактабда болаларга зўрлигимни кўрсатган кунларим ҳам бўлган. Лекин спорт мени тарбиялади. Дастлаб, кучимни спорт майдониде кўрсатишим кераклигини англадим. Кейинчалик, тафаккур, ақл ва билимсиз ғалаба қозониб бўлмаслигини тушундим. Спорт-

чи қанчалар зўр бўлмасин, унинг онгиде маънавий бўшлиқ бўлса, майдонда ҳам, ҳаётда ҳам мағлубдир.

Ойларга улашиб йиллар ўтди. Нихоят, ерга урса осмонга сакрайдига жалб эта бошлади.

2013-2014 йилги Ўзбекистон чемпионатларида номдор рақибларидан устун келган Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи тарбияланувчиси Ўзбекистон терма жамоаси асосий

жаҳоннинг энг зўр спортчилари мусобақасида мамлакат шарафини ҳимоя қилиш бахтига муяссар бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган. Муроджон ҳам бу имкониятдан унумли фойдаланиб, 2013-2014 йилги Ўзбекистон чемпионатларида номдор рақибларидан устун келган Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи тарбияланувчиси Ўзбекистон терма жамоаси асосий

жаҳоннинг энг зўр спортчилари мусобақасида мамлакат шарафини ҳимоя қилиш бахтига муяссар бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган. Муроджон ҳам бу имкониятдан унумли фойдаланиб, 2013-2014 йилги Ўзбекистон чемпионатларида номдор рақибларидан устун келган Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи тарбияланувчиси Ўзбекистон терма жамоаси асосий

ота-онамга берган сўзининг устидан чиқдим, – дейди боксчи. – Инсон ўз олдига бир мақсад қўйса, унга интилса, албатта, рўёбини кўради. Бунинг учун юртимизда кенг имкониятлар бор. Айниқса, кейинги пайтда ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, келажакимиз бунёдкорига айланиши учун давлатимиз раҳбари томонидан ҳар қандай шароит яратилаяпти, катта-катта имтиёзлар берилмоқда.

Муроджон эришган ютуқлари билан кифояланмоқчи эмас. У уч ой муқаддам Тошкент шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. Айни пайтда моҳир боксчимиз Ўзбекистон терма жамоаси таркибиде 25 август – 3 сентябрь кунлари Германияда бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок этишга қизгин ҳозирлик кўрмоқда.

– Спортда ҳали мен забт этмаган чўққилар кўп, – дейди боксчимиз. – Энди совринларим қаторига жаҳон чемпионати, Осиё ва Олимпия ўйинларининг олтин медалини қўшишим керак. Қолаверса, ғалабаларим мамлакатимизда эмин-эркин ўсиб-ўлғаяётган ёш авлод вақилларининг қалбиде спортга муҳаббат уйғотса, уларни соғлом турмуш тарзига етакласа, ўз мақсади сари интилишга илҳомлантирса, ана шу mening ҳақиқий ютуғим бўлади.

– Энг йирик уч мусобақа – Осиё ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинларида шохсупага кўтарилиб, Ватанимиз байрогини баланд тутиб,

Дарҳақиқат, бугунги навқирон авлод ҳар қандай соҳада озода ва обод Ватанимиз тараққиёти учун хизмат қилишдан, мустақил Ўзбекистон номини дунёга ёйишдан ўзини бахтиёр ҳис қилади. Фарзандлар соғлом ва баркамол юртнинг эса келажиги буюк бўлади.

Зохир ТОШҲУҲАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ОРЗУСИ РЎЁБИНИ КЎРГАН ЧЕМПИОН



ган, шўхлиги ҳеч кимга тинчлик бермайдиган кичик жуссали Муроджон 2012 йили Арманистонда ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида забардаст боксчи сифатида рингга кўтарилди. Еревандаги биринчилиқда Франция, Венесуэла, Мўғулистон ва Филиппин вақилларини мағлубиятга учратган қаҳрамонимиз илк нуфузли соврини – кумуш медалга эга чиқди.

М. Аҳмадалиевдаги иқтидор, салохият ва иштиёқи юқори баҳоланган мураббийлар уни катталар ўртасидаги мусобақалар-

таркибидан жой олди. Бу унга Осиё ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинларида қатнашиш учун кенг йўл очди.

2015 йили қаҳрамонимиз Таиланддаги Осиё чемпионатида кумуш медални кўлга киритиб, Қатардаги жаҳон чемпионатида қатнашди. Бу гал иккинчи ўрин билан чекланган бўлса-да, спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси – Рио-де-Жанейродаги Олимпия ўйинларида йўлланма олганидан қувончи чексиз эди.

Дарҳақиқат, 22 ёшида

ОРОМГОҲДА ОЛАМ ШОДЛИКЛАРИ



Хусусан, сўлим ва хушманзара худудда жойлашган "Қибрай" болалар оромгоҳида ҳам кичкинтойларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, мароқли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш ҳамда соғлом турмуш тарзига ошно этиш мақса-

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Ёзги соғломлаштириш йўналишида олиб борилаётган тизимли тадбирлар ҳам ана шу хайрли мақсад рўёбига хизмат қилади.

дида тизимли ишлар йўлга қўйилган. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти тасарруфидаги мазкур соғломлаштириш муассасасида жорий мавсум якунигача 1800 га яқин ўғил-қиздам олиши режалаштирилган. Оромгоҳда ик-

кита сузиш ҳавзаси, спорт майдончалари ва турли тўғараклар болалар ихтиёрида. Шунингдек, уларнинг саломатлигини мунтазам назорат қилиб бориш учун малакали тиббиёт ходимлари бириктирилган.

Ўз мухбиримиз.



Мансур ҲИММАТОВ олган сурат.

Мобиль иловалар ҳимояси ишончлими?

Бугунги ҳаётимизни смартфон, компьютер, интернет ва ижтимоий тармоқларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Турмушимизга шиддат билан кириб келаётган замонавий технологиялар кўп жиҳатдан бизга қулайлик яратаятгани бор гап. Лекин улардан фойдаланишда маълум бир эҳтиёт чораларини ҳам унутмаган маълум.

Хусусан, Electronic Frontier Foundation нотижорат ташкилоти мутахассислари мобиль иловаларнинг ҳаммаси ҳам фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларини ишончли тарзда ҳимоя қила олмайди, деган фикрга келди. Маълумотларга қараганда, WhatsApp, Amazon ва Twitter каби машҳур мобиль иловалар шулар жумласида. Интернет тармоғидан турли

мақсадда фойдаланувчилар борлиги эса маълум мобиль иловаларга ишонч билдирган мижозларга зарар етказиш эҳтимолини оширади.

Ўз навбатида Wordpress, Uber, Adobe ва Dropbox иловалари муаллифлари фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотларни мустақим ҳам ҳимоя қилиш йўлини топгани ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Шундай экан, мобиль иловаларга маълумот киритишда уларнинг ҳавфсизлик даражасини ҳам инобатга олишни унутманг.

Фирдавс РАВШАНОВ
тайёрлади.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги "Нефть-газ соҳаси бошқаруш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-3107-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, "Ўзнефтегаз" Миллий холдинг компаниясининг 2017 йил 3 июлдаги 171-сонли буйруғи ва 07-17-сонли баённомасига асосан "Кучлик нефть базаси" унитар корхонаси "Кучлик нефть базаси" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилмоқда.

Дарвоқе

Ухламаган бола тез қарийди

Болалар соғлом улгайиши учун, уларнинг уйку режимини назорат қилиб туриш жуда муҳим.

Принстон университетида ўтказилган тадқиқотлар болалик даврида уйку етишмовчилиги кейинчалик ҳужайраларнинг тез қаришига сабаб бўлишини кўрсатди. Ҳозирча олимлар уйку режимини тиклаш орқали қариш ҳараёнини ортага қайтаришининг иложи бор ёки йўқлигини аниқлай олишмади. 20 йилдан ортиқ вақт давомида кўлаб оила-

ларда болаларнинг уйку режими таҳлил қилинди. Маълум бўлишича, ҳатто 7-8 соатлик уйку ҳужайра умрини белгилувчи теломерларнинг қисқаришига олиб келади. Теломерлар қанча қисқа бўлса, организм биологик ҳукати назардан шунчалик қарийди. Кунига 9-11 соат ухлайдиган болаларда эса бундай ўзгаришлар содир бўлмаган.

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Маълумоти:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@mail.ru

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
233-70-10
233-79-96
233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
233-81-21, 233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета "Тошкент ҳақиқати" таҳририяти компьютер марказида терилди ва сақланади.

Набатчи муҳаррир
Ҳолмурод САЛИМОВ
Назоратчи муассаси
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУДЖАЕВ